

Давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан Конституциявий судга мурожаат қилиш ТАРТИБИ

1. Конституциявий судга қуйидаги давлат органлари ва мансабдор шахслар мурожаат қилиш ҳуқуқига эга:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман);
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил;
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси;
- Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи;
- Сенат аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;
- Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил.

2. Давлат органлари ва мансабдор шахслар Конституциявий судга қуйидаги масалалар бўйича мурожаат қилиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисида;
- Олий Мажлис палаталари қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисида;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисида;
- Ҳукумат қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисида;
- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисида;

– Ўзбекистоннинг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисида;

– Президент томонидан имзолангунига қадар – Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисида;

– ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари Президент томонидан имзолангунига қадар – халқаро шартномаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисида;

– референдумга чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш тўғрисида;

– Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш тўғрисида;

– Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш тўғрисида;

– Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқиш тўғрисида;

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ бериш тўғрисида.

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги мурожаатда кўйидагилар кўрсатилган бўлиши шарт:

– Конституцияга мувофиқлиги текширилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи, рақами, қабул қилинган санаси, у эълон қилинган манба кўрсатилади. Масалан, *Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 2 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-705-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 8, 797-модда; LexUz – миллий базасидаги манзили <https://lex.uz/docs/5545463>);*

– мурожаатни Конституциявий судда кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг тегишли нормаларига ҳавола қилинган ҳолда кўрсатилади;

– мурожаатда қўйилган масала юзасидан мурожаат қилувчининг нуқтаи назари асослантирилган бўлиши керак;

– мурожаатда қўйилган масалани Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларига ҳавола қилган ҳолда ҳуқуқий асослантириш лозим;

– мурожаат қилувчининг номи, жойлашган ери, почта манзили, алоқа воситалари кўрсатилади.

4. Мурожаатга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар:

– илова қилинаётган ҳужжатларнинг кетма-кетликда рақамланган рўйхати;

– Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи Конституциявий судга мурожаат қилганда уларнинг ўтказган мажлиси қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлар гуруҳи йиғилиши қарори);

– депутатлар гуруҳи рўйхати;

– Сенат аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи Конституциявий судга мурожаат қилганда уларнинг ўтказган мажлиси қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сенаторлар гуруҳи йиғилиши қарори);

– сенаторлар гуруҳи рўйхати;

– текширилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормасининг матни. *Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 29-боб, 386-модда, 2-қисм; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Биринчи бўлим. Асосий принциплар, I боб, 5-модда;*

– суд мажлисига чақирилиши таклиф қилинаётган экспертлар ва мутахассисларнинг рўйхати.

Мурожаатга бошқа ҳужжатлар ҳамда материаллар илова қилиниши мумкин.

5. Конституция ва қонун нормаларини расмий шарҳлаш тўғрисидаги мурожаатларга қўйиладиган талаблар:

– мурожаатда Конституцияда ва қонунда уларнинг амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилишига олиб келган ноаниқликлар мавжудлигига доир важлар ҳамда далиллар кўрсатилган бўлиши керак;

– Конституция ва қонун нормаларининг амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилишини тасдиқловчи тегишли маълумотлар (статистик маълумотлар, суд ҳужжатлари, қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини умумлаштириш натижалари ва бошқа таҳлилий материаллар) мурожаатга илова қилинган ҳолда тақдим этилади.

– мурожаатда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ва қонунининг шарҳ берилиши лозим бўлган нормалари кўрсатилган бўлиши керак. Масалан, *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Биринчи бўлим. Асосий принциплар, III боб, 15-модда, 5-қисм; LexUz – миллий базасидаги манзили <https://lex.uz/docs/6445145>; Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 938-XII-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 269-модда; LexUz – миллий базасидаги манзили <https://lex.uz/docs/112314>;*

– мурожаатга шарҳланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуни нормасининг матни илова қилинади. Масалан, *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Биринчи бўлим. Асосий принциплар, III боб, 15-модда, 5-қисм: “Давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар”;* *Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 19-модда, 6-қисм: “Фуқаро тугилган вақтида олган исмини, шунингдек ўзгартирилган исмини фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиши учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши керак”.*

!!! Конституциявий суд қонуности ҳужжатлари нормаларига расмий шарҳ бермайди.

Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, ҳукумат қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларига расмий шарҳни уларни қабул қилган органлар беради.

6. Мурожаат мансабдор шахсларнинг ёки давлат органларининг расмий ҳужжатлар бланкаларида расмийлаштирилади ва биринчи раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

7. Конституциявий судга мурожаат ёзма ёки электрон шаклда юборилади.

Ёзма мурожаатлар почта алоқа воситаси орқали Конституциявий суднинг қуйидаги юридик манзилига юборилади: Тошкент шаҳри, 100163, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй, 1-корпус.

Электрон мурожаатда “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ электрон ҳужжатнинг қуйидаги мажбурий реквизитлари кўрсатилиши лозим:

- электрон рақамли имзо;
- электрон ҳужжатни жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки электрон ҳужжатни жўнатувчи фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили;
- ҳужжат яратилган сана.

Электрон мурожаатлар куйидаги манзилга юборилади: info@ksu.uz.

8. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг телефон рақами:
+99871 239-80-20.

Иш кунлари: душанба – жума.

Иш вақти: соат 9.00 – 18.00 (тушлик 13.00 – 14.00).